



# YOSHLAR OVOZI

№43 (16348) 2019-YIL 29-MAY, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@uamail.uz

@Yoshlarovoz

Сайтнинг ўзгаришлари ва янги хабарлари билан ўқувчиларни алоқадор қилиш мақсадида телеграмманинг олдидан олдидан қилиш...

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР, ФОЙДАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмон ҳамда Германия расмий делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Кун давомида икки мамлакат раҳбарлари тор донрада ҳамда кенгайтирилган таркибда музокаралар олиб борди.

Франк-Вальтер Штайнмайер Муस्ताкилик ва эзулик монументи пойига гул қўйди. Истиклолнинг мангу рамзига айланган ушбу файзли мажмуа билан танишар экан, Германия Президенти Ўзбекистон тинчлик-осойишталик диёри эканини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Франк-Вальтер Штайнмайер билан жорий йилнинг январь ойда Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи чоғида ҳам учрашган. Берлиндаги музокаралар давомида сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алоқалар...

ни кенгайтиришга келишиб олинган. Тошкентдаги учрашув шу йўлдаги сайё-харакатларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Умуман олганда, бугун Ўзбекистон ва Германия муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини пайкаш қийин эмас. Немис ишбилармон доираларининг Ўзбекистон бозорига қизиқиши тобора ортмоқда. Бир қатор кўшма бизнес-лойиҳаларга қўл урилган. Шунинг натижаси ўларок, 2018 йилда Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ўсиб, 770 миллион доллардан ошди.

Албатта, мамлакатларимиз иқтисодий салоҳияти билан бундан-да юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин. Зотан, Германия саноат тармоғи ва технологиялар ривож буйича жаҳондаги илғор давлатлардан бири саналади. Европанинг ушбу кўҳна диёри таърибасидан унумли фойдаланиш зарур. Ўз навбатида, юртимиздаги қулай инвестиция муҳити, табиий бойликлар ҳамда инсон капитали билан немис сармоядорларини жалб қилиш аини муддао. Германия Ўзбекистоннинг

минтақада барқарорликни таъминлаш, Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этишга қаратилган изчил ва амалий сайё-харакатларини юқори баҳолайди. Музокаралар давомида Президентлар терроризм ва экстремизмга қарши қуриш масаласига ҳам эътибор қаратиб, Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон-Германия маслаҳатлашувлари механизмининг йўлга қўйишни маъқуллади.

Яқунда икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Шу аснода яқин истиболда "Volkswagen" концерни билан ҳамкорликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш, "Integra GmbH" ҳамда "Vamed Engineering GmbH" компаниялари кўмагида эса Тошкент шаҳрида Ядровий тиббиёт ва нури терапия маркази ташкил этиладиган бўлди.

28 май кунин Тошкент шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес-брифинг ҳам бўлиб ўтди.

Германия Федерал Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



## Prezident tashabbuslari — amalda

### Бўка янгиликлари

Беш ташаббуснинг илк тажриба манзили — Бўкада бунёдкорлик ва ободонлаштириш, ёшлар учун қулай шароит яратиш ишлари бир зум тингани йўқ. Сўнгги кунларда 49 та умумтаълим мактабига баскетбол, волейбол, гандбол, футбол тўплари, бадминтон анжомлари етказиб берилди. Мактаблардаги 95 та тўгаракни мусиқа жиҳозлари билан таъминлаш учун 244 миллион, ахборот технологияларини етказиб бериш учун 1,9 миллиард сўм ажратилди. Мавжуд 762 та тўгаракка 23 минг 223 ўқувчи жалб этилди.



Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизматидаги маълумотга қараганда, тумандаги мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 10 миллиард, ободонлаштириш учун қўшимча 2 миллиард сўм ажратилди. Чекка ҳудудларда ташаббускор тадбиркорлар кўмагида 5 та хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилмоқда.

### Тараққиётнинг бешта таянчи

Куйида тумандаги сўнгги янгиликларни қисқача санаб ўтамиз:   
✓ 10 та умумтаълим муассасасига Жанубий Кореянинг "Booyoung Housing Co Ltd" компанияси гранти асосида пианино етказиб берилди;   
✓ ўқувчиларни Ўзбекистон тарихи билан яқиндан таништириш мақсадида дарсларни музей, тарихий обида, муътабар қадамжо ва театрларда амалий тарзда ташкил этиш учун 60 миллион сўм ажратилди;   
✓ спорт иншоотлари (сунъий қопламали футбол майдони, сузиш ҳавзаси, фитнес клуб ва бошқа) спорт объектларини барпо этиш тақлифини билдирган 10 тадбиркордан 4 нафари қурилиш ишларини бошлаб юборган. Қолган 6 тадбиркорнинг тақлифи ўрганиб чиқилмоқда;   
✓ спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида, 3-мактабга 2,2 миллиард, 28-мактабга 24 миллион, 39-мактабга 41 миллион сўм ажратилди;   
✓ Бўстон маҳалласида тикувчилик чехларини қуриш ишлари якунланиб, яна 600 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Хасан УСМОНОВ, Шоира КОМИЛОВА

## АСОСИЙ МАҚСАД — МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май кунин илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда 24 май кунин Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда айрилган тақдирлар ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга

доир тақдирларни муҳокама қилиш учун махсус майдон яратиш мақсадида Республика фан ва технологиялар кенгашининг ташкил этишни тақдир қилган, олимлар бунини қўллаб-қувватлаган эди.

Ингилишда мазкур кенгашининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, соҳага оид давлат дастурларини шакллантириш ва марказлашган тартибда молия-

лаштириш орқали илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижалорликка йўналтирилган илмий лабораториялар тизimini яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш бўйича топшириқлар берилди.

(Давоми 2-саҳифада).

## Мўйноқча етиб борди



Қорақалпоғистондан Андижонгача, Сурхондарёдан Навоийгача ва қолган барча ҳудудлар. Президентимиз томонидан илғари сурилган ҳамда ёшлар ҳаётига янги нафас олиб кириши қутилаётган бешта муҳим ташаббус ҳар бир гўшада хайрихоҳлик билан рўёбга чиқарилмоқда. Бешта ташаббусдан аҳолини бохабар этиш, гоёсино моҳиятини тушунтириш мақсадида Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳафтанинг ҳар жума ва шанба кунлари тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Ислохот оидмлари юртимизнинг энг олис манзили — Мўйноқча ҳам етиб борди.

2-саҳифада



## Xalqaro hamkorlik

### АФҒОНИСТОНДА КИТОБ УЛАШИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Афғонистонга хизмат сафари якунланди.



Сафар давомида делегация аъзолари Афғонистоннинг Нахри-Шахи туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги ўзбек мактаби фаолияти билан яқиндан танишди. У ерда тахсил оладиган ўзбек ёшларига 100 дан ортиқ ўзбек адабиёти намуналари ҳамда дарсликларни совға қилди.

Шунингдек, вакилларимиз Балх ва Жавзон олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабаларга 358 та ўзбек адабиёти намуналарини улашди.

Ўзаро учрашувларда Балх вилояти ҳокими ўринбосари Шужоуддин Шуджо Иттифоқ томонидан ташкил этиладиган тадбирларда афғонистонлик ёшларнинг ҳам иштирокини йўлга қўйиш тақдирини билдирди.

— Ташрифнинг бош мақсади — мамлакатимиздаги илмий ва ижтимоий соҳаларга оид китобларни афғон ёшларига тарқатиш, маланий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат, — дейди Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси раиси Муридилла Алимбоев. — Афғонистондаги ўзбек диаспораси ёшларига мамлакатимизнинг бой маданий мероси, азалий кадрятлари, урф-одатлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишидик.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА



## Пойтахтликлар биринчи!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Қамалак" болалар ташкилоти сардорларининг "Ватан, дўстлик ва бахтли болалик учун!" ширин остидаги XVIII анъанавий анжумани доирасида "Энг намунали худудий сардорлар кенгаши" танлови республика босқичи низоҳисига етди. Бўстонлик туманидаги "Ёшлар оромгоҳи" болалар дам олиш масканида ташкил этилган анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан 80 нафар тажрибали мураббий, фаол ёшлар ва мутахассислар иштирок этди. Яқунда Тошкент шаҳар кенгаши "Энг намунали худудий сардорлар кенгаши" деб топилди.

Азизбек НКРОМОВ, Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

## Eshitingizmi?

### Ижодкор ва ишчиларга туҳфа

Президентимизнинг 2017 йил 3 августда эълон қилинган қарори билан учрашувда берган топшириғига биноан, Зомин туманидаги Уриқлисий қишлоғида янги санаторий фойдаланишга топширилди. У Навоий кон-металлургия комбинатини томонидан қуриб битказилган.

160 ўринга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасаси корхона ишчилари ҳамда ижодкорларга хизмат кўрсатади. Тоғ ён бағридаги олти қаватли мухташам бинодо амфитеатр ҳам мавжуд. Келгусида бу ерда ижодий семинар ва анжуманларни ўтказиш режалаштирилган.

Муассасанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони Кувондик Санақуллов, Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Энаxon Сиддиқова ва халқимиз ардоғидаги бошқа ижодкорлар иштирок этди.

Тадбирда шоирлар ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Санаторий қурилишида жонбозлик кўрсатган уста-хунармандларга Навоий кон-металлургия комбинатининг қимматбахо совғалари топширилди.

Сарвиноз САКСОНОВА

Yoshlar press-klubida

Жиноятнинг сабаби фақат ишсизлик эмас



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Тадбир Самарқанд вилоятида ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш масалалари таҳлилга бағишланди.



Очик мулоқотда Ички ишлар вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Яқинда Самарқанд вилояти Иштихон туманида бир оиланинг беш нафар аъзоси ҳаётига зомин бўлган уч йиллик жиноят, унинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама қилиниб, вилоятда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича масъуллар фаолияти, эришилган натижалар танқидий таҳлил қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Рустам Қобилов маъруз жиноятнинг илдизи ишсизликка эмас, аксинча, оиладаги носоғлом муҳит, тарбиядаги лоқайдлик ва бефарқликка



бориб тақалишини таъкидлади. Чунки қотилликка қўл урган 3 нафар ёш туманда узумлилик билан шугулланиб, йиллик даромади элик миллион сўмдан ортқ бўлган. Утган йили "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ишчи гуруҳи туманда манзилли рўйхат тузиш бўйича шу ёшларнинг уйда ҳам бўлган. Уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича имтиёзли кредитлар тақдир этилган. Аммо ёшлар кредитга эҳтиёжлари йўқлигини билдириб, тақдирни рад қилган.

Шаҳноза АБДИЖАМИЛОВА

АСОСИЙ МАҚСАД – МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Иқтисодиётда юқори самара берадиган ва ижтимоий масалаларни оқилона ҳал этишга қаратилган йўналишлар белгиланиб, уларни ривожлантиришга масъуллар бириктирилди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети негизда илмий мактаблар яратиш, нанотехнологиялар, материалшунослик, физика ва химия, биофизика, биофизика ва биохимия, биотехнологиялар бўйича олимлар янги авлодини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олимлар билан учрашувда тўртта йўналиш бўйича доимий комиссиялар тузишга келишиб олинган эди. Бу галги йўналишда маъруз комиссияларнинг вазифалари, комиссия аъзоларининг иш тартиби ва масъу

лият доираси белгиланди.

Биринчи комиссия илмий-тадкикот муассасалари фаолиятини доимий таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Иккинчи комиссия олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда таълим сифатини таҳлил қилади ва унга баҳо беради.

Учинчи комиссия олий ўқув юрталаридаги маънавий-маърифий ёшлар, 5 та ташаббуснинг амалга оширилишини таҳлил қилади.

Тўртинчи комиссия олий таълим ва илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган ҳориждаги ватандошларимизни юртимизда мутахассислиги бўйича фаолиятга жалб қилиш билан шугулланади.

Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлан

тириш. Қуруқ хомашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, танчи бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Академик олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, талабаларга замонавий шарт-шароит яратиш, улар орасидан бўлажак илм-фан вакиллари топиб, камолга етказиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда илм-фанны ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб, илмий тадкикотларни молиқлаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА



АЗИЗАНИНГ КЛИНИКАСИ АЁЛЛАРНИ ИШИЛ ҚИЛДИ

Хоразмлик Азиза Шавкатова "Ёшлар — келажакимиз" жамғармасидан 600 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, "Реал мед комплекс" масъулияти чекланган жамиятини ишга туширди. Бу орқали 30 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Клиникада ўнга яқин касалликни даволашда йигирмага яқин тиббий хизмат курсатиш турларидан фойдаланилмоқда. Вилоятнинг чекка ҳудудларидан бўлган Гурлан туманида бундай клиниканинг иш бошлаши аҳоли учун қулайлик яратди.

Омонбой САБУРОВ, "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси Урганч шаҳар филиали раҳбари

Sening tengdoshing

Imkoniyat

Меҳнат гузари қурилди

Беруний туманида Ёшлар меҳнат гузари фойдаланишга топширилди. Мажмуа "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида Ёш тадбиркор Махмуджон Рембоев томонидан барпо этилган. Унда ўн тўртта иш ўрни яратилди.

Гузарда гўзаллик саломи, миллий қандолат маҳсулотлари цехи, умумий овқатланиш шохобчаси фаолият кўрсатяпти. Келгусида маҳаллий аҳоли йўлга олиниб чиқиб, бошқа хизмат турларини жорий этиш кўзда тутилган.

Очилиш маросимида туман ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши, ички ишлар, прокуратура ва солиқ органлари мутаассадилари иштирок этди. Сўз олганлар янги муассаса ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, айниқса, бандлигини таъминлашга хизмат қилишини, бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Индира МАМБЕТНАЗАРОВА

Taplov

Иқтидорлар кашф этилди

Инсоният фан-техника, тиббиёт, адабиёт, санъат соҳаларида нечоғлиқ улкан муваффақиятларни қўлга киритган бўлса, улар дастлаб таваққурда, руҳиятда шаклланди. Бунинг учун инсон соғлом фикрлаши, уй-ҳаёлида эзгулик, ҳалоллик каби туйғулар яшаши лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош ғояси шундай қилди — Ватанга, эзу халққа фидойи, собиқ, миллий гурурга эга бўлган ёшларни тарбиялашдан иборат. Партиядан Тошкент шаҳар кенгаши ташаббус билан шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, Ўзбекистон



Ёзувчилар уюшмаси, "Ёшлар овози", "Тонг юлдузи" газеталари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахт мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Мустақил

лик — менинг тасаввуримда" кўрик-танлови шундай эзгу ниятда, қолаверса, бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди. Ёшларнинг адабиёт ва санъатга қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида шеърят ва тасвирий санъат йўналишларида ўтказилаётган танловнинг мактаб босқичида пойтахтимиздаги барча умумтаълим муассасалари камраб олинди. Танловда 5 мингта яқин ёш ижодкор ўз иқтидорини намойиш қилди. Ҳозирда танловнинг туман босқичларида ўзаро беллашмоқда.

Кўрик-танловнинг туман босқичи ғолиблари ва совридорлари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Феруза ЖАЛИЛОВА, ЎЗМТДП Шаҳнозахоҳур тумани кенгаши раиси

МҲЙНОҚҚАЧА ЕТИБ БОРДИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Мўйноқ нафақат олине, балки ёшлар сони бўйича олди ҳудуд саналади. Айни вақтда туманда 1 миллиондан зиёд 30 ёшгача бўлган фуқаро иштирок қилмоқда. Бу маҳаллий аҳолининг ярмидан кўпига тўғри келади. Иттифоқ томонидан мўйноқликлар ўртасида даставвал сўровнома ўтказилди. Натижалар асосида ҳар бир ташаббус кесимида ёшларнинг қизиқишлари ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда.

Рақамлар-ку ўз йўлига, лекин бўладиган ишнинг тезроқ бўлган маъкул. Шу нуктага назардан, туманда "Беш ташаббус — беш имконият!" шiori остида акция ташкил қилинди. У нақ 22 хил тадбирни ўз ичига олган.

Биринчи ташаббусга доир тадбирлар сирасида "Мўйноқ — менинг нигоҳимда" деб номланган расмлар танловини алоҳида тилга олиш мумкин. Лойиҳада иштирок этган мўйноқлик соҳиблари ўз асарларини хонада эмас, балки табиат қўйнида яратди.

Шундан сўнг "Иттифоқ билим-донлари" интеллектуал беллашувини ҳамда "Сиз севган қаҳрамонлар" лойиҳасига шарт берилди. Рақс санъати ҳаваскорлари учун эса танлиқ хореограф Зибаш Пирлепесова маҳорат дарсини ўтди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эҳсосаёт доирасида Оролнинг дахшатли фожиясидан далолат берувчи "Кемалар кабристони", қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг Мўйноқ туманидаги филиали ҳамда "Балқичнинг уйи" уй-музейи экспозицияси билан танишди.

Иккинчи ташаббус бўйича спортсевар ёшлар тури муассасаларда куч ва маҳоратини синовлан ўт



казди. "Марра бизники!" шiori остидаги югуриш марафонда 400 нафар йигит-қиз ғалаба учун курашди. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги футбол бўйича туман биринчилиги ҳам қизгин баҳсларга бой ўтди. "Ёшлар шахмат тахтаси" мусобақаси ақл гимнастикаси иштирокчиларини чин маънода руҳлантириб юборди. Тўғри-да, ахир, тажрибали шахмат устаси Механ Тураев билан улар хар кунни учрашмайдилар-ку!

Президентимиз ташаббусларига ҳусусий сектор вакилла-

ри ҳам лаббай, дея жавоб бермоқда. Жумладан, мўйноқлик ёш тадбиркор Лилия Хайтиязова "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси кўмағида имтиёзли кредит олиб, қиймати 300 миллион сўмлик тренажёр зали ҳамда қўшимча инвестиция маблағлари ҳисобидан суний қопламалар спорт майдончасини қуришни режалаштирган.

Учинчи ташаббусга мувофиқ, туман ёшларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш ўргатилмоқда. Бунга "Келажак бунёдкори" медали соҳибни, ТАТУ Нуқус филиали талабаси Давид Қонарбаев ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Акция кунлари у қизиқувчилар учун интерфаол семинар ўтиб берди.

Тўртинчи ташаббус доирасида уй кутубхоналарини ташкил этиш бошланган. Таъминотиغا Ёшлар иттифоқи қарашмоқда. Масалан, 4-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Азамат Жанабаев хонадонига ҳада тарихисида йўналган 200 дан ортқ бандий асар етказиб берилди. Яна 500 та адабиётни Иттифоқнинг худудий кенгаши туман Маданият марказига тўхтади.

Президентимизнинг бешинчи муҳим ташаббуси аёллар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ. Ёшлар иттифоқи шакллантирган рўйхатга кўра, Мўйноқда ишсиз опа-сингилларимиз сони 941 нафарни ташкил қилмоқда. Уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида Ёшлар марказида тикувчилик тўғрисида очилди. Машигулотларга 400 нафардан зиёд хотин-қиз жалб қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази Қорақалпоғистон бўлими мутахассислари томонидан маҳаллалардаги ишсиз аёллар учун бизнес-тренинглари ўтказилди. Умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчи қизлари эса "Бизнес саҳнат" лойиҳаси доирасида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан ақиндан танишди.

Тренинглари давомида юртимизда тадбиркорларга яратилган имкониятларга тўхталиб, "Хар бир оила тадбиркор", "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурлари ҳақида тушунича бердик, — дейди "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишон соҳибни, ёш тадбиркор Баҳодин Сапартаев.

Баҳодин ўз билимларини улаштириш баробарида кам таъминланган оилага тадбиркорлик қилишни учун 20 бош парранда совға қилди. Шундай қилиб, икки кун давом этган акцияда икки миңдан зиёд йигит-қизга бешта ташаббус ҳақида тушунича берилди. Якуний гала-концертда таригот тадбирларида фаол иштирок этганлар рағбатлантирилди.

Рохатой ҚОДИРОВА

ЁШЛАР КАРВОНИ мактабларда

Фарғона вилоятининг Фуркат ва Ўзбекистон туманларида бешта ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш бўйича "Ёшлар карвони" лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳада Ёшлар иттифоқининг худудий ва маҳаллий кенгаши вакиллари, "Ёш китобхона" танлови ҳамда спорт мусобақалари ғолиблари, иқтидорли ёшлар ва таълим муассасаларининг 10 мингта яқин ўқувчилари иштирок этди.

"Ёшлар карвони" дастлаб Фуркат туманидаги 34-, 36-, 16-, 31-, 8- мактабларга кириб борди. Муассасаларда "Биз — чемпионлар", "Қадридон мактабимга китоб совға қиламан", "Хунарлар ризқинг унар", "Ёшлар



театр студияси", "Ватан — истеъдоқлар бешиги" тадбирлари ўтказилиб, ўқувчиларга спорт инвентарлари, 100 дан ортқ китоб, тикув машинаси, кўгирчоқ театри учун кўгирчоқлар ҳада қилинди. "Ёшлар карвони"нинг кейинги манзили — Ўзбекистон туманидаги 4-, 8-, 46-мактабларда ҳам шу каби тадбирлар бўлиб ўтди.

Мафтуна ОМОНКЕЛДИЕВА

Пиёда юришдан китоб ўқишгача



Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида Зафаробод туманида "Биз соғлом турмуш тарзи тараққориимиз!" шiori остида пиёдалар марафони ўтказилди. Мусобақада икки миң нафар йигит-қиз 10 километр масофани босиб ўтди. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби худудига 500 нафар йигит-қиз 100 метрга югуриш бўйича баҳслашган бўлса, 30 нафар шахмат бобида билим ва маҳоратини намойиш қилди.

Маънавий-маърифий йўналиш ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, 9-болалар мусика ва санъат мактабидан расм ва китоблар кўргазмалари, шеърхонлик кечаси, "Ёш китобхона" танлови ташкил қилинди. Тадбирларда юзлаб ёшлар қатнашди. Фаол иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Элдор НАВРЎЗОВ

266 та янги иш ўрни



Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус асосида ёшларнинг бўш вақтини маъмулий ташкил этиш, иш билан таъминлаш мақсадида Бувайда туманида Ёшлар маркази барпо қилинди.

Ёшлар маркази бунёд этилиши учун 655 миллион сўм сарфланди. Марказда кутубхона, корейс, рус ва инглиз тиллари, компьютер саводхонлиги, бандий гимнастика ҳамда маком тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Аҳаджон Акбаров. — Ёшларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим.

Ёшлар бонди бешта ташаббус бўйича бешта шартли бекат ташкил этилди. 12 талойиҳа асосида ёш тадбиркорларга жами 480 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 266 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Шу жумладан:

- ✓ Яқка тартибдаги тадбиркорлар Шаҳноза Йўлдошева ва Сарвар Мейлиев 60 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, китоб дўкони

- очди, 4 нафар ёш иш билан таъминланди.
- ✓ Шокиржон Мамасодиқов ва Элдор Ҳамроқулов 110 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фитнес клуб ва спорт комплекси очди, 12 нафар ёш иш билан таъминланди.
- ✓ Муродил Мухаммадминов ва Нодиржон Мейлиев 70 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, компьютер маркази очди, 6 нафар ёш иш билан таъминланди.
- ✓ Тоҳир Дехқонов, Равшанои Парниева ва Мафтуна Сайидгозиева 220 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехи очди, 80 нафар ёш иш билан таъминланди.

Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ёшлар иттифоқининг Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби

Dolzarb mavzu

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТГА ҚАЧОН ЕТАМИЗ?

Ҳозир ўзбекистонлик стартаперлар анча қийин аҳволда...

ёхуд катта йўлдаги майда тўсиқлар ҳақида

Биз дунёдаги илғор давлатлар сафига қўшилишни, ҳаётимиз ўзгаришини хоҳлаймиз. Бунинг учун нима қилиш кераклиги ҳам аён. Мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда уни барча янгиланишларнинг локомотивига айлантириш зарур.

ган. Нағижанда ҳозир Исроилда ҳатто ёш бола ҳам инновация нималигини билади. Таълим даргоҳларида стартап лойиҳалар яратиш бўйича махсус курслар ўтилмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ қилмагунимизча бизда стартап ҳаракати кўнгилдагидек ривожланмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий қилиш ҳамда тадқиқ этиш бошқармаси масъул ходими Анвар Худойбердиев. Бўлаларга инновацион фикрлашни, тadbirkорлик ва маркетинг асосларини мактабданок ўргатиш керак. Яшириб нима қилдик,

жамиятимизда инновация тўшунчаси билан мутлақо таниш бўлмаган ёки уни нотўғри талқин қиладиган одамлар кўп. Бошқа давлатларда аллақачон жорий қилинган технологияни қимдир Ўзбекистонга олиб келса, шунини инновация деб юрганлар қанча! Бундай шароитда стартаперлар авлодини тарбиялаш мушкул.

Икtidорли ўғил-қизларимиз жуда кўп. Бу гапни муболағасиз айтганман. Ҳозирги ёшларнинг чўккисига етган Жанубий Корея таърибаси бундай муассасаларни технопарк, олий ўқув юртлири ёки илмий марказларда очиб мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Шунда аннқ камровга эга инновацион махсулот ёки хизматлар яратишга эришамиз. Натижа ҳам кўзга яқин ташланади.

ЎНТА СТАРТАПДАН ФАҚАТ БИТТАСИ "ЯШАБ ҚОЛИШИ" МУМКИН



Соҳада машҳур эксперт ва таҳрирчи Михаил Бабич томонидан ишлаб чиқилган схема

зиктирмайди. Мана шу жойда стартаперларга услубий кўмак — малакали устозлар, яъни тренинглари, хоржий мутахассислар билан учрашувлари, ўзбек тилида, тушунарли ва содда қилиб ёзилган қўлланмалар керак.

Умуман ҳеч нарса қилинмапти, дедмайман. Масалан, яқинда илк натижалари эълон қилинган Ўзбекистондаги биринчи илмий акселератор — "С.А.Т. Science Accelerator" доирасида ўнлаб ёшлар олти ой мобайнида етук олимлар, маркетолог ва тadbirkорлардан стартап яратиш технологиясини ўрганди. Ўқув машғулотида ҳамта АКШнинг Силикон vodiисидан мутахассислар жалб қилинган.

Таърибали менторлар билан жонли мулоқотлар ва маҳорат сабоқлари стартаперларни, сўзсиз, пишнтади, зарур кўникмалар эгаллашга ёрдам беради. Бундай имкониятни стартап экотизимининг бошқа бўғинлари — инкубатор ва коворкинг-марказлари ҳам яратиш бермоқда. Лекин уларнинг аксарияти пойтахтда жойлашган. Ваҳоланки, "тоза ҳаво"ни айнан туманларга олиб кириш керак.

Сабаби аҳолининг салмоқли қисми қишлоқларда яшайди. Шу боис вазирлигимиз томонидан давлат-хусусий шериклик асосида худудларда Ёшлар инновация марказлари ташкил қилинмоқда. Ҳар бирида коворкинг-маркази жойлашиб, бизнес-акселератор хизматлари кўрсатилади.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бир қанча экспертлар билан суҳбатда бўлдик. Барчаси ёшлар биров пул берса, кейин ишни бошлаيمان, деган янгилик фикрда эканини тасдиқлади. Бундай

миз. — Эртага стартапни ишлайдими, қўшимча маблағни қаердан топади, махсулотни қимга сотади ва ҳоказо масалаларга ечим топмаган ҳали. Давлатнинг пулини олса-ю, чўнтакка урса. Бунақа ғирром ёндашув билан бизнес касодга учраши аннқ.

Мамлакатимизда бир йилда чамаси 200-250 стартап яратилади, холос. Жанубий Кореяда эса 30 мингдан ортиқ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият ҳолларда стартапер лойиҳасига ё шахсий, ё қариндош-уруғ ва таниш-билишларнинг маблағларини тикиди. Бирок шунда ҳам инвестициянинг қайтмаслик эҳтимоли 69 фоизга тенг: 30 фоизи бир сўм фойдасиз қайтиб келади. Хавф даражаси юқори бўлгани сабаб четдан сармоядор топиш, масалан, бизнес-фаришта (стартлашнинг дастлабки босқичда молиялаштириладиган тadbirkорлар ёки венчур фонллари маблағларини жалб қилиш мушкул. Чунки стартап тинмай эксперимент қилиш дегани. Статистика бўйича ўнгасидан фақат биттаси муваффақиятли чиқади ва даромад келтиради.

Бизнес-фаришталар Ўзбекистонда озми-кўпми бор. Табиийки, улар ҳам стартапларга пулини тикиб, "қуйиб қолган". Лекин

амалдаги қонунчилигимиз бўйича фор-мажор ҳолатда тadbirkор йўқотилган маблағни ўз ҳисобидан шунчаки чиқаролмайди. Албатта, манбасини, боз устига, натижаси билан кўрсатиши шарт. Ҳатто грант маблағини олаётганда ҳам тийини учун ҳисобдорсиз. Стартап эса янги гоя, ноанъанавий ёндашув, синовдан ўтмаган бизнес дегани. Айтганимиздек, ундан натижа чиқмаслиги ҳам мумкин. Демак, де-факто тadbirkорлар вложсиз вазиятда қолмоқда. Шу боис уларнинг аксарияти стартаперларни қўлаб-қувватлагиси келмайди.

— Ҳукумат бизнес субъектларига катта риск эвазига стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун қонуний асос яратиш бериши зарур, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси координатори Усмон Раҳимжонов. — Шунда ёшларда иштиёқ сўнмайди, стартаплар кўпаяди ва энг яхшилари юзага чиқади. Дунё таърибасидан маълумки, инновацион экотизимни яратишда административ ресурс мўҳим роль ўйнайди. Шундай пайтда давлат новаторларимизга елка тутиб бермаса, экотизим таркибий

қисмларининг "ёёкка туриши"га таъкилий, ҳуқуқий, муҳими, молиявий жиҳатдан қўмақлашмаса, ўсиш ва ўзгариш ҳақида гапиринч бефойда.

Бизга стартапларни кашф қиладиган ва изчил ривожланишига қўмақлашадиган корпоратив акселераторлар, корпоратив венчур фонллари керак. Уларни икtisодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналар, банклар ва бошқа молиявий тузилмалар ўзаро келишиб ташкил қилса ҳам бўлади.

Жанубий Корея, Исроил, Финляндия, Болтиқбўйи мамлакатларининг ҳаммаси шу йўлни босиб ўтган. Ҳозир улар халқаро рейтингда етакчи позицияларни эгаллаб турибди. Йигит-қизлари институтни битирмасданок, миллирдлик стартаплар яратиш, йирик компанияларга асос солмоқда. Нима, Ўзбекистон ёшларининг қўлидан келмайди дейсизми? Келади! Шароит етарли эмас, холос. Ахир, стартап иккчи-уч кишининг

олти ойлик умри ва меҳнати дегани. Ҳўш, улар шунча вақт ўнгини фақат нинга бағишласа, ниманинг ҳисобига кун кўради, олисанни қандай қилиб боқали? Шу боис бошланишига давлатнинг молиявий кўмаги талаб қилинади.

Стартапер оддий иш жойига ҳам эга бўлиши керак. Коворкинг-марказларини олий ўқув юртлири, коллеж ёки лицейлар қолди очайлик. Ҳозир ўқув муассасаларимиз кўпроқ таълим жараёни билан банд, ташвиш ўзинга етган. Баъзан истақ бўлганда маблағ топилмаслиги мумкин. Мана шундай пайтда давлат ташаббус кўрсатиб, керакли инфрақурилмани яратишда бошқоқ бўлиши керак.

Яна бир гап. Стартапга фақат бир марта грант ажратиш билан иш битмайди. Лойиҳа яшаб қолиши учун унинг кейинги босқичларини ҳам молиялаштириш керак. 1 миллиард доллар даромадга эга стартап компаниялар бундай натижага енгилгани эришган дейсизми. Йўқ, албатта. Улар ҳам ўз вақтида қўшимча сармояга эҳтиёж сезган, изланишдан тўхтамай, бизнесининг ривожини учун бошқа манбалардан маблағ жалб қилган. Бу жиҳатдан ҳозир стартаперларимиз анча қийин аҳволда. Зотан, аввалроқ таъкидланганидек, хавф даражаси юқорилиги боис, Ўзбекистондаги хусусий бизнес инновацион фаолиятни қўлаб-қувватлашдан ҳайқайди. Йирик давлат корхоналари эса бундан умуман манфатдор эмас.

АКШнинг нуфузли тадқиқот компанияси — "СВ Insights" таҳлилларига кўра, стартапларнинг салкам ярми бозорни яхши ўрганмагани учун касодга учрамоқда. Иккинчи муаммо маблағ топши билан боғлиқ. Шундай экан, стартап дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган тақдирда ҳам, кейинги яшаш фазаларида айнан молиявий қийинчилик туфайли "бўғилиб қолмаслиги"га ҳеч қим қафолат беролмайди. Юртимизда инновацияларни жорий этиш учун масъул ташкилот ва идоралар масаланинг мана шу томонига ҳам эътибор қаратишини хоҳлардик.

Катта йўлнинг бошидамыз. Мамлакатни инновацион рельсга қўйиш, ҳаётимиз, ҳаётга муносабатимиз, фикрлаш тарзимиз, ислохотларнинг шакли шаймийларини ўзгартириш ва умуман, келажакка бошқача кўз билан қараш беҳисоб куч ҳамда матонатни талаб қилади. Истақингиз ўзи билан мақсадга эришолмаймиз. Ҳаракат қилиш, қилганда зам, тўғри йўналишида ҳаракатланиш керак. Ҳарқалай, бунга иродамыз етати.

Бошқа муҳим жиҳат ҳам бор. Гап мамлакатнинг инновацион конструкция ҳақида бормоқда. У аннқ механизмлардан ташкил топган. Ҳар бири ўз вазифасига эга. Энғ аввалида стартаплар туради. Бу моделлар инновацияларнинг манбаи ҳисобланади.

Стартаперлик бутун дунёда оммалашмоқда. Исроил, Эстония, ҳатто Чилига ўхшаш кичик давлатлар шу тизим орқали икtisодий аҳволини яхшилаш олган. Мазкур жиҳат қўшиларишимизни ҳам ўйлантирмоқда. Масалан, бутун Қозғистонда "Рақамли Қозғистон" дастури амалда.

Биз ҳам ҳаракат қилсак бўлади. Ахир, икtidорли ёшларимиз кўп-ку. Шубҳасиз, уларда жаҳон бозорига олиб чиқишга арзидиган, миллионлаб одамларнинг оғирини енгил қиладиган гоялар талайгина. Ҳўш, унда нега ушбу ресурсдан самарали фойдалана олмайтмиз? Келинг, сабабларни бир бошдан таҳлил қилсак.

Ўзбекистонда узок вақтгача яхлит инновацион экотизим мажмууд эмасди. Инновацияларни ривожлантириш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар тарқоқ ҳолда бўлган. Вазият эндигина ўнғланмоқда ва қилиниши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп.

2018 йил 11 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Инновацион фаолиятни янада қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу эса ҳукумат мамлакатнинг инновацион платформага ўтиши учун зарур қўмақни кўрсатишга тайёр эканини аниглади.

Бош вазир имзолаган ҳужжат негизда мамлакатда стартаперлик ҳаракатини ривожлантириш мақсади ҳам ётибди. Утган қисқа вақт мобайнида бир қанча янги инкубаторлар, акселератор ҳамда технопарклар, ҳатто ёш новаторларга молиявий кўмак кўрсатадиган жамғарма ташкил этилган дастлабки амалий қадамлар ҳисобланади. Санаб ўтилганлар стартап экотизимнинг муҳим таркибий қисмларидир. Демак, йирик заъбирнинг халқалари аста-секин бир-бирига уланмоқда.

Ҳозирча халқалар сон санокли ва улар жуда мустаҳкам ҳам эмас. Яна бир муаммо шундаки, Ўзбекистонда



Ta'lim taraqqiyoti

# Prezident maktablari qabul 1-IYUNDAN BOSHLANADI



**Yangi o'quv yilidan Namangan, Nukus, Xiva va Toshkent shaharlarida Prezident maktablari ish boshlaydi. O'quvchilarni 5 - 10-sinflarga qabul qilish ko'zda tutilgan. Qabul jarayoni 1 - 22-iyun kunlari bo'lib o'tadi.**

Hujjatlarni pm.xtv.uz rasmiy sayti orqali topshirish mumkin. Bundan tashqari, maktablarning o'zida ham qabul komissiyalari faoliyat ko'rsatadi.



## Nomzodlarga qo'yilgan talablar

4-sinf bitiruvchilari matematika va tabiatshunoslik; 5-sinf bitiruvchilari matematika, biologiya, informatika va axborot texnologiyalari; 6-sinf bitiruvchilari matematika, biologiya, fizika, informatika va axborot texnologiyalari;

7 - 9-sinf bitiruvchilari matematika va axborot texnologiyalari, algebra, geometriya, fizika, kimyo, biologiya fanlaridan "a'lo" bahoga o'qigan bo'lishi shart.

Nomzodlar tug'ilganlik haqidagi guvohnoma, o'quv tabelining asl nusxasi hamda ta'lim olayotgan maktabidan belgilangan shakldagi ma'lumotnomani taqdim etishi kerak.





## Imtihonni o'tkazish tartibi

Agar ariza topshirganlar soni bir o'ringa 20 nafar va undan ziyod bo'lsa, asosiy imtihonga qadar o'quvchilar matematika fanidan sinov orqali saralab olinadi.

Asosiy imtihonlar axborotni tahlil qilish va solishtirish qobiliyatini aniqlash (16 ta masala), mantiqiy fikrlashni talab etadigan matematik masalalar (24 ta masala) hamda ingliz tili (55 ta test savoli) bo'yicha o'tkaziladi. Nomzodlar istagiga ko'ra, savollar o'zbek yoki ingliz tilida taqdim etiladi.

To'plangan ballar miqdori bir xil bo'lgan taqdirda qabul komissiyasi nomzodlar bilan suhbat o'tkazadi. Suhbat jarayonida o'quvchining otanasi, psixolog va tibbiyot xodimi ham ishtirok etishi mumkin.

Prezident maktablariga tanlov jarayonini Kembrij universitetining "Cambridge Assessment International Education" brendi ostida faoliyat yurituvchi imtihon kengashi nazorat qiladi.



## O'quv-tarbiya jarayoni

Prezident maktablari internat tipida bo'lib, o'quvchilar haftaning besh kunida maktabda yashab, o'qiydi. Ular davlat tomonidan bepul ovqat va maktab formasi bilan ta'minlanadi.

Prezident maktablarida ta'lim jarayoni "STEAM" (Science — tabiiy fanlar, Technology — texnologiyalar, Engineering — texnik ijodkorlik, Art — san'at, Mathematics — matematika) dasturi bo'yicha olib boriladi. Darslarning asosiy qismi ingliz tilida o'tiladi.



Karimjon ZARIPOV

## Qonun yoshlar nigohida

Yoshlarni qonun hujjatlariga hurmat ruhida tarbiyalash, huquqiy tarbiyaga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarga nisbatan immunitetni shakllantirish, qonun buzilishi holatlariga murosasizlik hissini uyg'otish maqsadida Yoshlar ittifoqi tomonidan o'tkazilib kelinayotgan "Yoshlar va qonun" respublika tanlovi-nings Xorazm viloyati bosqichi nihoyasiga yetdi.

Ta'lim muassasalarining 12 ta jamoasi "Sud majlis-lari", "Huquqiy savol-javob", "Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirishga qaratilgan videorolik taqdimoti", "Huquqingni angla" mavzu-




lari doirasida bellashdi.

Yakuniy natijalarga ko'ra, Urganch tumanining "Parlament" jamoasi birinchi, Hazorasp tumanining "Qalqon"

jamoasi ikkinchi, Urganch tumanining "Verdikt" jamoasi uchinchi o'rinni egalladi.

Sumbuloy NURMETOVA

## Ko'ngildan ko'chirmalar



**Sham**  
Dasturxon atrofida oilamiz jam. Onam choyini adashib kosasiga quyib yubordi. Dadam ovqatiga murch o'rninga

tuz sepdi. Akam qo'lidagi burda nonni ovqatga emas, choy to'la piyolaga botirdi... Bu holat qalbimni vayron qildi. Chunki ularning aqli hushini televizor o'g'irlab qo'ygandi. Shu chog' ko'nglimdagi ish bo'ldi — chiroq o'chdi! Barchaning kayfiyati buzildi.

Mana jajigina sham. U yana bizni birlashtirdi. Dadam bizga bolalik chog'larini gapirib bera boshladi. Hikoyani tinglab, voqealar ko'z oldimda jonlandi: bobom va buvimning bag'rida bir etak bola. Buvim ularga qo'shiq kuyib bermoqda...

Endi onamning yoshligi, bolalik xotiralari... Onam kichikligida ko'p betob bo'lgan, vaqtini faqat kitob o'qish bilan o'tkazgan ekan. Volidam: "Meni ko'rishga kelgan mehmonlar, albatta, kitob olib kelardi", deb so'zini yakunladi.

Ota-onamning aytga arzilik bolalik xotiralari bor. Bizda-chi? Kelajakda farzandlarimizga yoshligimiz haqida nimalarni aytib bera olamiz? Maqtangulik kitob o'qidikmi? Farzandlarimizga bobom va buvimning bag'rida namoyish etilgan seriallarga maftun bo'lganmiz, deymizmi?!

Vaqtimizni ijtimoiy tarmoqlardagi safsatalarga sarf etganimizni qanday aytamiz?..

Afsuski, chiroqning yonishi shunday ajib kechga yakun yasadi. Yana hamma o'z olamiga "ravona bo'ldi", kimdir qo'l telefoniga qaragan, radio ovozi balandlatgan, yana biri televizor qarshisidan joy olgan.

Men esa ko'p narsaga kech qolganimni his etib, kitob javoni sari odimladim. Xonaning bir chetida turgan sham negadir g'amgin bo'qardi...

Muazzam NISHONBOYEVA

## O'rnak oil!

### Talabalar tashabbusi

Respublikamiz bo'yab "O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti kunlari" o'tkazilmoqda. Loyiha talabalar tomonidan ishlab chiqilgan.

Tashabbuskor yigit-qizlar turli hududlarda istiqomat qilayotgan yolg'iz qariyalar holidan xabar olmoqda. Ajdodlarimiz xotirasiga bag'ishlangan sahna ko'rinishlari namoyish etilmoqda.

Birinchi manzil Farg'ona viloyati bo'ldi. 20 nafar talaba, aktyor va xonandalardan iborat ijodiy jamoa Quva tumanidagi "Nurli kelajak" teatr-studiyasi bilan hamkorlikda tuman Madaniyat uyi, harbiy qism hamda yangi barpo etilgan "Yoshlar mehnat guzari"da Sharof Rashidov haqidagi "Vatan qantolari" spektaklini namoyish etdi. Yoshlar kutubxonasiga 300 ta kitob tuhfa etildi.

Toshkentlik mehmonlar Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari Abdusalim Vahobov va Ergash Toshboyevni yo'qlab, ularga sovg'a-salomlar ulashdi. Shundan so'ng Ahmad al-Farg'oniy yodgorlik majmuasiga sayohat uyushtirildi. Loyiha davom etmoqda.

Sarvinov ZUHRIDDINOVA

## Qatra

# Ramazon aytib keldik eshigingizga...

Ramazon oyida bolaligimdagi nurli sahifalar ko'z oldimdan kinotasmadek birma-bir o'tadi, o'zgacha orziqish bilan sog'inch hissini tuyaman... Hozir Ramazon aytib kelgan bolalarga biron narsa ulashsam, kichkintoylardek men ham o'zimdagi yo'q sevinaman, ko'nglim yorishadi.

Ramazon aytish, ehsan yig'ish yoki tarqatishgina emas, balki bunda o'zaro mehr-oqibat, ezgulik, qo'shnichilik haqqini ado etish kabi jihatlar ham jam bo'lgan: **Ramazon aytib keldik eshigingizga,**

**Qo'chqordek o'g'il bersin beshigingizga.**

Baland-past bo'lib tizilib, jo'r ovozda qo'shiq aytayotgan, ko'zlari yonib turgan bolakaylarni ko'rib, har qanday insonning ko'ngli erib ketadi. Ularning ezgu, beg'araz so'zlariga qo'shilib beixiyor "Omin!" deb yuboradi. Ramazon duolar mustajob bo'ladigan oy ekanini eslab, ko'ngilga nur inadi.

Saharlik va iftorlik dasturxon doim to'kin bo'ladi. Shu sabab biz, bolalar ham ro'za tutmasak-da, saharlikka turar, iftorlik payti kattalardek duo o'qib "og'iz ochardik". Ayni shu payt bolalar ramazon aytib kelardi. Qishga deb asrab qo'yilgan anormi, behimi, turshakmi yoki qand-qursdanmi olib ulashardik. Gohida bitta guruhni kuzatib, endi dasturxon atrofiga o'tirganimda, boshqa guruh kelib qolardi. Yana o'rnimdan turishga erinarim. Shunda bobom tanbeh berar, o'zi yonida asrab yurgan uch-to'rt so'm pulni tutqazib, ularni jo'natardi. U kishi bolalarni noumid ketkazishni istamas, bizni ham shunga o'rgatardi.

Bugun ramazon qo'shiqlari birmuncha o'zgaragan. Men esa hamon o'sha duoga o'xshaydigan, samimiy qo'shiqlarni sog'inaman...

Shahzod BARATOV

## 1 savolga 1 javob

— Ishga kirayotganda hamma tibbiy ko'rikdan o'tishi kerakmi?

Zamira ERGASHEVA  
Navoiy shahri

Savolga gazetamizning doimiy eksperti, huquqshunos Javohir SHAMSUDDINOV javob beradi:



— O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 214-moddasiga binoan, quyidagi shaxslar ishga olinayotganda va keyinchalik (ish davomida) vaqti-vaqti bilan tibbiy ko'rikdan o'tkazilishi shart:

- 18 yoshga to'lmaganlar;
- 60 yoshga to'lgan erkaklar va 55 yoshga to'lgan ayollar;
- nogironlar;
- mehnat sharoiti noqulay ishlarida, tungi smenada yoki transport harakati bilan bog'liq ishlarida band bo'lgan fuqarolar;

— oziq-ovqat sanoatida, savdo va aholiga xizmat ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan boshqa tarmoqlarda band bo'lgan fuqarolar;

— umumta'lim maktablari, maktab-gacha ta'lim hamda boshqa muassasalarning bevosita bolalarga ta'lim yoki tarbiya berish bilan mashg'ul bo'lgan pedagoglari va xodimlari.

Ushbu ro'yxatdagi xodimlar tibbiy ko'riklardan o'tishdan bo'yin tovlashga haqli emas. Tibbiy ko'rikdan o'tish xarajatlarini ish beruvchi qoplaydi.

## Anjuman

### TIL, USLUB, TAHRIR



Milliy matbuot markazida "OAVda til, uslub va tahrir masalalari" mavzuida VII respublika ilmiy-amaliy konfe-

rensiyasi bo'lib o'tdi. Adabiyotshunos olim Omonulla Madayevning xotirasiga bag'ishlangan anjuman O'zMU jurnalistika fakulteti "Uslubiyat va tahrir" kafedrasida, Yozuvchilar uyushmasi hamda O'ZJOKU hamkorligida o'tkazildi.

Anjumanda, OAVda matn yaratish, til, uslub va tahrirdagi muammolar ko'rib chiqildi. So'zga chiqqanlar matn ta'sirchanligini oshirish, noshirlik faoliyatini rivojlantirishga alohida to'xtaldi.

Gulandom UMAROVA

## Mutaxassis ogoh etadi

### KUYIB KUL BO'LMASIN UYINGIZ

Olov insoniyatning eng ulug' kashfiyotlaridan biri. U xonadonimizga nur, ildik olib kiradi, og'irimizni yengil qiladi, hojatimizni chiqaradi. Biroq ushbu dastyor bir zumda "tilsiz yov"ga aylanishi ham mumkin. Shu bois yong'in xavfsizligi xizmati xodimlari fuqarolarni ochiq olov, gaz yoki elektr asboblardan foydalanishda doimo ehtiyot choralarini ko'rishga chaqiradi. Zotan, tahlillar yong'inlar ko'pincha ehtiyotsizlik tufayli sodir bo'layotganini ko'rsatmoqda.

Ota-ona farzandini qarovsiz qoldirib, xonadoniga bir zumda o't ketgan, bor mol-mulki kuyib kulga aylangan holatlar tajribamizda, afsuski, oz emas. Bolani-kul bola dermiz, ammo kap-katta odamlar ham ba'zan bilib-bilmay yong'in xavfsizligi qoidalarini buzadi. Bunday boqibeg'ayamlilik ayanchli oqibatlarini keltirib chiqarmoqda. Insonlar hayotidan ko'z yummoqda, go'daklar yetim qolmoqda, kimdir umrboq nogiron bo'lib qolyapti.

Mahallalardagi targ'ibot tadbirlarida fuqarolarga, avvalo, hamma uchun kerakli tabiiy gazdan to'g'ri foydalanish, olovni nazoratsiz qoldirmaslik, gaz quvurlariga o'zboshimchalik bilan rezina shlanglarini ulamaslik kerakligini uqtiyapmiz.

Ilyos AHMADJONOV,  
Mirzo Ulug'bek tumani  
YXB boshlig'i o'rinbosari,  
Nurmaxan ERMEKOV,  
kichik inspektor

**MUASSIS**  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

**BOSH MUHARRIR**  
Faxriddin KARIMOV

**TAHRIR HAY'ATI**


Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

**Navbatchi**  
Sherzod MAHMUDOV

**Dizayner**  
Xurshid ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahilandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203. Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-513. Adadi — 21170. Boshqaruvchisi: Mirzo Ulug'bek tumani YXB boshlig'i o'rinbosari, Nurmaxan ERMEKOV, kichik inspektor. O'za yakuni — 00.55